
СИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРМИЗДАСИЗ, АЗИЗ АЁЛЛАР!

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамининг айнан баҳор фаслида нишонланиши замирида ҳам ўзига хос маъно ва ҳикмат мужассам. Зотан, баҳор ва аёл сўзлари бир-бирига ҳамоҳанг ва уйғундир.

Дарҳақиқат, севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик туйғуларни аёлларсиз асло тасаввур эта олмаймиз. Зеро, азиз аёлларимиз ҳамиша кўз ўнгимизда меҳрибон она, фидойи етакчи, садоқатли ёр тимсолида гавдаланади.

Бугун шаҳримиздаги муҳташам “Аср” тўйхонасида айём муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда ҳам муҳтарама онахонларимиз, азиз опа-сингилларимиз яна бир карра эъозланди, эътироф этилди.

Тантанани шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов самимий табрик сўзи билан очиб бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан шаҳримизда ҳам хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

У ўз табрик сўзи давомида Зулфия номидаги Давлат мукофотига бу йил Марғилон шаҳридан икки нафар билимли ва иқтидорли қизларимиз - Зиёдахон Абдусатторова ҳамда Муҳайёхон Йўлдошевлар сазовор бўлганлигини мамнуният ила таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг давомий қарсақлар садоси остида азиз опа-сингилларимизга байрам совғалари улашилди. Хушовоз хонандалар санъат усталари, хонанда ва ёш ижрочилар иштирокидаги бадий-муסיқий дастур барчага байрам шукуҳини улашди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2024-03-07 15:53:02